



MUZEYLAR: AN'ANA, NOVATSIYA VA RENOVATSIYA INTEGRATSIYASIDA

XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN TO'PLAMI



TOSHKENT 2025

Mas’ul muharrir:

Jannat Ismailova, tarix fanlari doktori, professor

Alisher Ismailov, tarix fanlari doktori (DSc), professor

Larisa Levteyeva, tarix fanlari nomzodi, katta ilmiy xodim.

To’plovchi va nashrga tayyorlovchilar:

Dilafro’z Karimova, t.f.b. falsafa doktori (PhD), kat.i.x.

Mansur Safayev, kichik ilmiy xodim

Taqrizchilar:

T.f.d., prof. B.V.Xasanov, t.f.n.X.Fayziyev

Mas’ul muharrirlar: J.X.Ismailova, A.F.Ismailov, L.G.Levteyeva; O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi O‘zbekiston tarixi davlat muzeyi. «Muzeylar: an’ana, novatsiya va renovatsiya integratsiyasida» mavzusida Xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiyasi materiallari to‘plami. –Toshkent, 2025-yil 18-mart. - 722 b.

O‘zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi O‘zbekiston tarixi davlat muzeyida Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2024-yil 27-dekabrdagi “2025-yilda xalqaro va respublika miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlar rejalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 490-son buyrug‘iga asosan tashkil etildi.

Mazkur to‘plamdan O‘zbekiston tarixi davlat muzeyida an’anaviy tarzda o‘tkazib kelinayotgan «Muzeylar: an’ana, novatsiya va renovatsiya integratsiyasida» xalqaro ilmiy-amaliy anjuman to‘plamida muzeyshunoslik, tarix, arxeologiya, etnologiya hamda muzeylarda innovatsion texnologiyalarni jalb etishga qaratilgan ilmiy tadqiqotlar o‘rin olgan.

To‘plam tarkibidan o‘rin olgan maqolalar mualliflarning ilmiy tadqiqot natijalari va shaxsiy ilmiy qarashlarini o‘zida aks ettiradi.

To‘plam O‘zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi O‘zbekiston tarixi davlat muzeyi Ilmiy kengashining 2025-yil 07-apreldagi 4-son majlis qarori asosida nashrga (elektron) tavsiya etilgan.

ОЛЬГА АЛЕКСАНДРОВНА СУХАРЕВА—САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МУЗЕЙИНИНГ ЖОНКУЯР ВА ФИДОЙИ МУТАХАССИСИ

Аннотация. Бу мақолада музейларнинг тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий, маърифий муассасалар сифатидаги фаолияти таҳлил қилинган. Самарқанддаги Ўзбекистон тарихи ва маданияти давлат музейининг ташиқил топиши, 1896-2025 йиллардаги тарихий фаолияти, экспозицион бўлимлари ҳақида батафсил маълумот берилган. 1934-1946 йилларда О.А.Сухареванинг Самарқанд вилоят музейи (ҳозирги Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданияти давлат музейи)даги фаолияти, бу даврда О.А.Сухарева иштирокида 5,5 минг этнографик экспонатлар тўпланиб, 116 та коллекцияда бирлаштирилиши ҳақида қимматли тарихий маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Музей, Ўзбекистон тарихи ва маданияти давлат музейи, О.А.Сухарева- фидойи музейшунос, каштадўзлик коллекциялари, кийимлар ва каштачиликнинг ноёб нусхалари, экспонатлар.

Аннотация. В данной статье анализируется деятельность музеев как научных, образовательных учреждений, осуществляющих сбор, сохранение, изучение и популяризацию исторических, материальных и духовных памятников. Подробная информация о создании Государственного музея истории и культуры Узбекистана в Самарканде, исторической деятельности 1896-2025 годов, разделах экспозиции. В 1934-1946 годах была представлена ценная историческая информация о деятельности О. А. Сухаревой в Самаркандском областном музее (ныне Государственный музей истории и культуры народов Узбекистана), за этот период при участии О. А. Сухаревой было собрано 5,5 тысячи этнографических экспонатов и объединено в 116 коллекций.

Ключевые слова: Музей, Государственный музей истории и культуры Узбекистана, О. А. Сухарева - самоотверженный музейист, вышивальные коллекции, уникальные экземпляры одежды и вышивки, экспонаты.

Abstract. This article analyzes the activities of museums as scientific, educational institutions that collect, preserve, study and popularize historical, material and spiritual monuments. Detailed information on the creation of the State Museum of History and Culture of Uzbekistan in Samarkand, historical activities of 1896-2025, sections of the exposition. In 1934-1946, valuable historical information

was presented about the activities of O. A. Sukhareva in the Samarkand Regional Museum (now the State Museum of the History and Culture of the Peoples of Uzbekistan), during this period, with the participation of O. A. Sukhareva, 5.5 thousand ethnographic exhibits were collected and combined into 116 collections.

Key words: The museum, the State Museum of History and Culture of Uzbekistan, O. A. Sukhareva is a dedicated museum worker, embroidery collections, unique pieces of clothing and embroidery, exhibits.

Кириш.Музейлар—тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий, маърифий муассасалар ҳисобланади. Музейлар хазинасида, асосан, моддий ашёлар ва тасвирий санъат намуналари, шунингдек, ёзма манбалар қадимдан то ҳозирги давргача бўлган тарихий қимматга эга қўлёзмалар, босма ҳужжатлар ва китоблар сақланади.

Ўзбекистонда дастлабки музейлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ташкил этилган. XX аср бошларида Ўзбекистонда учта музей — Тошкент ўлкашунослик музейи (1876, ҳозирги Ўзбекистон тарихи музейи), Самарқанд халқ музейи (1896, ҳозирги А.Икромов номидаги Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи), Фарғона халқ музейи (1899, ҳозирги Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи) мавжуд бўлган [7].

XX асрнинг 20-йилларидан турли соҳадаги музейлар ташкил этила бошланди. Музейлар ва маданият ёдгорликлари давлат ихтиёрига ўтказилиб, муҳофазага олинди. Илмий экспедициялар уюштирилиб, музейлар учун коллекциялар тўплаш иши йўлга қўйилди.

Ҳозирда музейларнинг асосий қисми Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги қарамоғида. Йирик музейлар: Ўзбекистон тарихи музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон санъат музейи (1918), А.Икромов номидаги Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи, Ўзбекистон табиат музейи (1876) ва бошқалар. Республиканинг деярли барча вилоятларида ўлкашунослик музейлари, жаҳон аҳамиятига молик мемориал музейлар бор.

Асосий қисм. Ўзбекистон тарихи ва маданияти давлат музейи Самарқандда жойлашган музейлардан биридир. Ўзбекистон тарихи ва маданияти давлат музейига Самарқанд ва унинг атрофидаги ҳудудлар тарихи ва маданиятига бағишланган нодир экспонатлар жамланмаси мавжуд. Унинг фондларидан қадимги давр, ўрта асрлар даври тарихи ва маданияти ёдгорликларининг энг бой тўпламлари ўрин олган.

Музей тарихи дастлаб, 1874 йилда археологик, нумизматик, этнографик ва геологик коллекциялар асосида ташкил этилган Самарқанднинг биринчи музейига бориб тақалади. Музейнинг расмий очилиши 1896 йилда бўлиб ўтган.

1896 йил 21 июлда Самарқанд вилоят статистика қўмитаси музейи сифатида очилган. Музейнинг асосчилари археологлар Леон Баршевский ва Василий Лаврентьевич Вяткин бўлган, улар музей учун махсус бино қурдиришга муваффақ бўлган. 1911 йилдан Самарқанд шаҳри музейи, 1921 йилдан Самарқанд вилояти музейи, 1927 йилдан ўлка музейи, 1930 йилдан Ўзбекистон Марказий давлат музейи, 1937 йилдан Самарқанд вилоят

ўлкашунослик музейи. 1945 йилдан Ўзбек халқи маданияти республика музейи, 1955 йилдан Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи республика музейи, 1968 йилда музейга А.Икромов номи берилган, 1969 йилдан Ўзбекистон тарихи ва маданияти давлат музейи номи билан юритилмоқда [8].

Музей биноси 1911 йилдан музей ва кутубхона учун қурилган бинода, 1930 йилдан Улуғбек ва Шердор мадрасаларида, 1934 йилдан савдогар А.Калонтаровнинг собиқ уйида жойлашган. 1978 йилдан 2010 йилгача Самарқанддаги Ўзбекистон маданият тарихи музейи учун махсус қурилган бинода(меъмори М.С.Булатов) жойлашган.Музей биносининг умумий майдони 10 минг кв.м, экспозиция ва кўргазма заллари майдони 5 минг кв.м дан иборат. Бино Регистон майдони ва ансамблининг ўнг томонида, Тошкент кўчасида жойлашган. 2010 йилда музей Мирзо Улуғбек кўчасидаги бинога кўчирилди. Бир неча йил давомида музейнинг янги биноси таъмирланди ва 2014 йил 1 сентабрда музейнинг янги биноси тантанали равишда очилди.

Музейда 5 та экспозицион бўлимлар (тарих, санъат ва этнография, илмий маърифий, кўргазмалар ва фонд), кутубхона, кинозал, фотолаборатория, илмий таъмирлаш устaxonаси ва архив бор. Музей хазинаси ва экспозициялари археология, нумизматика, этнография, амалий безак ва тасвирий санъат асарлари, меъморий қисмлар, қимматли хужжатлар, китоб ва қўлёзмаларнинг бой тўпламига эга.

Музей хазинасида 208 мингдан зиёд экспонат бор.Музей илмий муассаса сифатида илмий текшириш ишлари олиб боради, Музей Халқаро музейлар қўмитаси аъзоси.Музейда турли даврларда В.Л.Вяткин, М.Е.Массон, О.А.Сухарева, Л.М.Ремпель ва бошқалар олимлар ишлаган.

Ольга Александровна Сухарева ҳақли равишда универсал олима ҳисобланади, у тенгсиз этнограф ва тарихчи-шарқшунос, тожик тили бўйича филолог –мутахассис, санъатшунос,фидойи музейшунос, диншунос сифатида тан олинган.

1934-1946 йиллар О.А.Сухарева ҳаётида энг қизғин “музей даври” ҳисобланади.Бу даврда О.А.Сухарева Самарқанд вилоят музейи (ҳозирги Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданияти давлат музейи)да фаолият олиб борди.Музейдаги фаолияти давомида олима музей фондини кўплаб қимматбаҳо кийим ва кашта коллекциялари билан тўлдирди.Маҳаллий каштачи аёллардан кашта тикиш техникасини ўрганиш бўйича ишлар,О.А.Сухареванинг энг бой кашта нақшларини тўплашга, шунингдек, халқ безак санъатининг ушбу тури билан боғлиқ бўлган эътиқод ва маросимларга эътибор қаратишига сабаб бўлди.Самарқанд ва унинг атрофидаги ўзбек-тожик аҳолиси, шунингдек, Бухоро, Ўратепа шаҳарлари ва бошқа шаҳар ва қишлоқлар бўйлаб ҳар кунги этнографик дала тадқиқотлари О.А. Сухарева учун жуда хилма-хил материаллар тўпланишига олиб келди [1].

Самарқанд давлат музейига 1930 йилда Москва давлат университети битирувчилари Т.А.Жданко,Г.П.Снесарев,Ю.А.Шибаеталар ишга юборилган. Уларга янги экспонатлар йиғиш, янги кўргазмалар тайёрлаш вазифаси юклатилган.Улар музейнинг янги бўлими учун турли хил экспонатлар тўплашган.Музейда Ольга Александровнанинг укаси археолог И.А.Сухарев

хам фаолият юритган. Дастлаб у директор ўринбосари, 1935 йилдан қадимги ва ўрта асрлар Ўзбекистон тарихи бўлими ва археология бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаган[2].

Музейда О.А.Сухарева дастлаб катта илмий ходим, кейинчалик “Ўзбек аёллари ҳаёти ва меҳнати” бўлими бошлиғи лавозимларида ишлайди. Бу бўлимдаги экспозицияларда совет даврида аёлларнинг ҳаёти лавҳалари ёритилган. Ольга Александровна бўлимни каштадўзлик, тўқувчиликнинг янги материаллари билан бойитишни ташкиллаштирди. Шу билан бирга ўзининг этнографик тадқиқотларини ҳам олиб борди.

1937 йилда Бухорога қилинган саёҳат натижасида Самарқанд музейида Бухоро кашталарининг 42 нусхаси тўплами олиб келинди, улар орасида бир нечта ноёблари ҳам мавжуд эди. О.А.Сухарева музейда ишлаган даврда унинг саёй-ҳаракатлари билан кашталар тўплами сезиларли даражада бойиди. 1940 йилга келиб, ушбу коллекция 800 та буюмни ўз ичига олди. [2]. Шу йилларда О.А.Сухарева “XIX аср ўрталаридан - XX аср биринчи чорагида Самарқанд безак - каштачилик тарихи” қўлёзмасини тайёрлади. Музей архивида О.А.Сухареванинг “Ургут каштачилиги”, “Самарқанд декоратив каштачилиги” номли қўлёзмалари ҳам сақланиб қолingan[11].

О.А.Сухареванинг музейдаги асосий мавзуси каштадўзликни ўрганиш эди. Каштачилик маҳсулотларини тўплашда, янгидан-янги экспонатлар йиғишда укаси И.А.Сухарев ёрдамлашди. О.А.Сухарева бу ишга жиддий киришиб, кўплаб ажойиб этнографик материаллар тўплади. Т.А.Жданко шундай эслайди: “Музейнинг “Аёллар ҳаёти ва меҳнати” бўлими ҳар доим аёллар билан гавжум. О.А.Сухарева улар билан суҳбатлашарди, уларнинг уйига борарди, Самарқанд атрофлари, Ўратепа, Ургут, Бухорога бориб ишларди. Ольга Александровнанинг маҳаллий аҳоли ўртасида жуда кўплаб танишлари бор эди, улар уни жуда яхши кўришарди”.

О.А.Сухарева аёллар билан суҳбатлашиб, каштачилик билан боғлиқ кўплаб маълумотлар йиғди. Шу билан бирга каштачилик тарихи ва замонавий каштачилик, унинг технологияси ҳамда хусусиятига оид материаллар тўплади. У каштадўз усталардан энг машҳур кашта маҳсулотлар суъратларини чиздириб оларди. 1940 йилга келиб, музейда 232 та худди шундай кашта маҳсулотларининг расмлари тўпланди[11]. О.А. Сухарева маҳаллий тилни яхши билганлиги учун ҳам кўплаб ажойиб маълумотлар тўплашга муваффақ бўлди. О.А.Сухареванинг музейдаги фаолияти каштадўзлик коллекцияларига илмий тавсиф бериш, уларни музей фондига киритиш, кундалик ҳаётдаги ролини очиб бериш ва кўргазмалар тайёрлашдан иборат эди[3,22].

Т.А.Жданко шундай эслайди: “У жуда ажойиб тўпламлар тайёрлар эди. Айниқса, каштачилик ва сўзана бўйича, уларнинг гўзаллиги музей экспонатларининг хуснига ҳусн қўшарди” [1].

1940-йиллар охиригача О.А.Сухарева иштирокида 5,5 минг этнографик экспонатлар тўпланиб, 116 та коллекцияда бирлаштирилди. Уларнинг баъзилари бутун иттифоқ рўйхатига киритилди[11].

Музейда ишлаб юрган даврда О.А.Сухарева “Пережитки анимизма у равнинных таджиков”(Пасттекислик тожиклари орасида анимизм

қолдиқлари) мавзусида номзодлик диссертациясини тайёрлади.

Самарқанд музейида О.А.Сухареванинг 1938 йилда ёзилган “Тожиқларнинг бир нечта вилоятларида анимизм ва шомонизм анъаналарининг қолдиқлари” номли қўлёзмаси сақланар эди. Ушбу қўлёзма диссертация иши учун асос бўлди[10].

О.А.Сухарева 1940 йил 15 февралда Ленинград давлат университетининг филология факультетининг этнография бўлимида “Пережитки анимизма у равнинных таджиков” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди[4]. О.А. Сухарева ўз диссертациясини оммалаштирди ва “Исломгача бўлган даврда Ўрта Осиё халқлари динлари” (М.1975) номли йирик илмий тўпламини яратди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам О.А. Сухарева Самарқандда музейда ўз фаолиятини давом эттирди. Укаси Иван Александрович Сухарев 1942 йил Воронеж яқинидаги жангда ҳалок бўлди.

Уруш даврида янги экспонатлар тўплаш учун пул жуда кам ажратиларди, бу пуллар билан эса ҳеч нарса харид қилишнинг иложи йўқ эди. Кийимлар ва каштачиликнинг ноёб нусхаларига бўлган қизиқиш сабабли О.А.Сухарева уларни ўз пулларига сотиб оларди. О.А.Сухарева 1946 йилгача музейда ишлашда давом этди. Шу билан бирга Самарқанд педагогика институтида “Тарих” кафедрасида ва Ўзбекистон Давлат Университети Тарих факултетида ишлади. У Ўрта Осиё халқлари этнографиясидан маърузалар қиларди.

1946 йилда О.А.Сухарева оиласи билан Тошкентга қайтди ва ЎзССРФА Тарих ва археология институтида дастлаб катта илмий ходим, кейинчалик, этнография бўлими мудири лавозимида ишлади[2].

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, музейлар халқнинг бой маданий ва маънавий меросини сақлаб қолинишида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. О.А.Сухареванинг 1934-1946 йилларда Самарқанд ўлкашунослик музейидаги фаолияти даврида музейнинг этнография бўлими кийимлар ва каштачилик намуналари, сўзаналарнинг нодир нусхалари билан бекиёс даражада бойитилди[6].

АДАБИЁТЛАР

1. Жданко Т. А., Кармышева Б. Х. Ольга Александровна Сухарева (некролог) // Сов. этнография (далее - СЭ). 1983. N 6. С. 158-160; Сухарева О.А. К истории развития самаркандской декоративной вышивки. — В кн.: Литература и искусство Узбекистана, кн. 6. Ташкент, 1937, с. 119-134.
2. Наумова О. Б. Ольга Александровна Сухарева (К 100- летию со дня рождения) // Этнограф, обозрение (далее - ЭО). 2003. № 6 .С. 94-114.
3. Мирзоев М.Н. Вклад Ольги Александровны Сухаревой в изучение истории и этнографии таджиков Бухары и Самарканда На соискание ученой степени кандидата исторических наук ...дисс. — Душанбе: 2024. —С.22 .
4. Сухарева О.А. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков. — В кн. Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. М.: Наука, 1975, с. 5-93

5. Сухарева О. А. Сузани. Очерки истории среднеазиатской декоративной вышивки. Рукопись. С. 1. Рукопись этой книги была полностью подготовлена О. А. Сухаревой к печати в 1982 г. В настоящее время она хранится у ее дочери Е. Р. Акбальян.
6. Сухарева О. А. Среднеазиатское искусство вышивки (о книге Н. Исаевой-Юнусовой "Таджикская вышивка") // СЭ. 1981. N 3.
7. Садыкова Н. С, Музейное дело в Узбекистане, Т., 1975;
8. Садыков Х., Гласе Ю.И., Цой Е., Музеи Узбекистана, Т. 1978;
9. Содикова Н.С, Маданий ёдгорликлар хазинаси, Т., 1981.
10. Guli Bahriddinova To'rayeva "LIFE AND SCIENTIFIC ACTIVITY OF OLGA ALEXANDROVNA SUKHAREVA AS A HISTORIAN-ETHNOGRAPHER" International Journal of Intellectual and Cultural Heritage Volume: 2 Issue: 03 | 2022 ISSN: P – 2181-2306, E – 2181-2314 54-58 B
11. Этнографическая работа Самаркандского музея. — СЭ, 1949, № 1, с. 198-200.
12. Хасанова Ш., Қаюмов Р. Музей иши фидойилари // Мозийдан садо .- Тошкент, 2016-№ 4(76)-Б-16.

ULASHOV Kamoliddin Maxmudovich

Samarqand viloyat O'lkashunoslik muzeyi mudiri,

SAMARQAND HOVLI UYLARI QURILISHINING O'ZIGA XOSLIGI

Annotatsiya: Ushbu maqolada Samarqand hududida ilk hovli uylar, Temuriylar davrida hovli qurilishi, XIX asr va an'anaviy Samarqand hovlilariga xos bo'lgan me'morchilik inshootlari bo'lmish hovlilar va ularning qurilish texnikasi hamda o'ziga xos tarix va me'moriy an'anaga ega ekanligi haqida so'z boradi. Shu bilan birga bu hovlilar asrlar davomida mahalliy iqlim, urf-odatlar va milliy me'morchilik tamoyillariga asoslanganligi haqida ham ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: Me'moriy yodgorliklar, me'moriy an'analar, hovli, guzar, ichki hovli, tashqi hovli, tokcha, taxmon, sandal, mehmonxona, oshxona, dahliz.

Аннотация: В данной статье рассказывается о первых дворовых домах в Самарканде, строительстве дворов в период Тимуридов, дворах, представляющих собой архитектурные сооружения, характерные для XIX века и традиционных самаркандских дворах, и технологии их строительства, а также об их уникальной истории и архитектурных традициях. При этом также сообщается, что эти дворы на протяжении веков формировались с учетом местного климата, обычаев и принципов национальной архитектуры.

Ключевые слова: Памятники архитектуры, архитектурные традиции, двор, гузар, внутренний двор, внешний двор, полка, тахмон, сандал, гостинная, кухня, зал.

TOSHTEMIROVA Sh.O‘ZBEKISTONNING MADANIY MEROSINI MUZEYLASHTIRISH: ETNOGRAFIK EKSPONATLARNI SAQLASH.....	486
GANIYEVA Ch. X.,YUNUSOV A. F.“BUYUK RASSOM MEROSI: O‘ROL TANSIQBOYEV MUZEYI”	490
SALAYEVA R. Q.SOPOLLITEPA SIRLARI.....	493
НОРОВА Д.БУХОРО ЗАРДЎЗЛИК ХУНАРИ МЕРОСИНИНГ МУЗЕЙЛАРДА АКС ЭТИШИ	496
ТУКСАНОВА З.БУХОРО МОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШДА ОБИДАЛАРДАГИ АСТРОНОМИК БЕЛГИЛАРНИНГ ЎРНИ	499
ТЎРАЕВА Г.Б.ОЛЬГА АЛЕКСАНДРОВНА СУХАРЕВА—САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МУЗЕЙИНИНГ ЖОНКУЯР ВА ФИДОЙИ МУТАХАССИСИ	505
ULASHOV K. M.SAMARQAND HOVLI UYLARI QURILISHINING O‘ZIGA XOSLIGI	510
МАХМУДОВА М.Т.КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА- ДВОРЕЦ ПОЛОВЦЕВА, МУЗЕЙ ПРИКЛАДНОГО ИСКУССТВА И РЕМЕСЛЕННИЧЕСТВА	515
ISLOMOV F. X.TOSHKENT SHAHRI TARIXIY ME‘MORIY MAJMUALAR TARIXIDAN ..	519
AHMEDOV T.ZAMONAVIY RASSOMLAR IJODINI MUZEYLASHTIRISH MASALALARI	524
ИБРАГИМОВА Ш.М.АРХЕОЛОГИЧЕСКАЯ КОЛЛЕКЦИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО МУЗЕЯ-ЗАПОВЕДНИКА «ИЧАН-КАЛА».....	530
ИШАНОВА М. М.СТАНОВЛЕНИЕ МУЗЕЙНОЙ СИСТЕМЫ КАРАКАЛПАКСТАНА В 1960-1980-х ГОДАХ	536
САПЕКЕЕВА А.«ДӨРЕТПЕЛЕРИНДЕ МЭНГИ ЖАСАЎШЫ ХУДОЖНИК».....	542
NURULLAYEVA Z. R.O‘ZBEKISTON MUZEYLARIDA BOSH KIYIMLARNI SAQLASH VA NAMOYISH ETISH TAMOYILLARI.....	549
ШАРОПОВА А. Э.МУЗЕЕФИКАЦИЯ ЖИВОПИСИ УЗБЕКИСТАНА 1970-80-Х ГОДОВ XX ВЕКА: ЗАПАДНО-ВОСТОЧНЫЙ ДИСКУРС И СОХРАНЕНИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОГО НАСЛЕДИЯ	552
RAXMATJONOV X.K.ANTIK DAVR YODGORLIGI - XOLCHAYON SAROYI TARIXI VA KONSTRUKTIV TAHLILI.....	556
JO‘RAYEV Sh.G‘,HABIBOV J.BUXORO ADABIYOTI TARIXI MUZEYI	561
MUSIRMANOV Sh. U.MUZEYLAR TURIZMNING IQTISODIY RIVOJLANISHIGA TA‘SIRI	566
ХУДАЙБЕРГАНОВ К.ОБИДАЛАРДАГИ ЭПИГРАФИК ЁЗУВЛАРДА АБЖАДНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ	570
УМАРОВА К. Б.МУЗЕЙНЫЙ ТУРИЗМ: ПОТЕНЦИАЛ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ТУРИСТОВ И РАЗВИТИЕ МУЗЕЙНОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ.....	577
MIRHAKIMOVA F. X.HAMID OLIMJON VA ZULFIYA MUZEYI FAOLIYATI	583
OLIMOVA D. A.SIYOVUSH QO‘RG‘ONINING MUZEYGA AYLANTIRILISHI.....	590
UCHINCHI SHO‘BA: MUZEY PEDAGOGIKASI; FAN, TA‘LIM, MADANIYAT INTEGRATSIYASI	
ISMAILOV A. F.O‘ZBEKISTON FANLAR AKADEMIYASIDA ILMIY KADRLAR TAYYORLASH FAOLIYATI.....	595
САФАРАЛИЕВ Б.С.,ЮЛДАШЕВА М.Б.ПЕДАГОГИКА ДОСУГОВО – ЭКСКУРСИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В МУЗЕЕ	601